



“Royhatga olingan”
Chilonzor tuman Hokimi

“ ” 2001y.



**TOSHKENT SHAHAR TABIATNI
MUHOFAZA QILISH QOMITASI**
to'g'risidagi

NIZOMI

7. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI шаҳарда табиатни муҳофаза қилиш буйича штатсиз жамоатчи мубоширлар ва экспертлар тармогини тузади, улар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасдиқлаган Низом буйича ишлайди.

8. Табиатни муҳофаза қилиш буйича шаҳар Бош давлат инспекторлари, уларнинг уринбосарлари, мутахассислар, инспекторлар учун ягона намунадиги уст-бош ва фарқловчи белгилар жорий этилади.

9. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тасвири туширилган ҳамда уз номи давлат тили латин алифбосида ёзилган муҳриги эга бўлади.

10. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасидан ажратиладиган давлат бюджетидан молиявий таъминланади.

11. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI Тошкент шаҳридаги мутасадди жамғарма банкида уз ҳисоб рақамини очиш ҳуқуқига эга.

“Келишилган”

Тошкент шаҳар Ҳокимининг
биринчи уринбосари

2001 й.

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси
табиатни муҳофаза қилиш
Давлат қўмитасининг раиси



**TOSHKENT SHAHAR
TABIATNI MUHOFAZA
QILISH QO'MITASI
туғрисидаги НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар.

1. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида Давлат назорати ва тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус органдир.

2. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI бевосита Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига буйсунади ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдордир, уз вазифасини Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий идораларидан /конун чиқарувчи органларидан ташқари/ мустақил тарзда амалга оширади ва табиатдан оқилона фойдаланишни, табиатни муҳофаза қилишни йўлга қуйиш, табиий ресурсларини тақор ишлатиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ахволи ҳамда шу соҳада ягона илмий - техникавий сиёсат утказиш олдида маъсулдир.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI уз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқ депутатлари Тошкент шаҳар

Кенгаши қарорларига, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг буйруқ ва қўрсатмаларига ва ушбу Низомга амал қилади.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ўз фаолиятини Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг коммунал хужалик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси билан ҳамда туман ҳокимликлари билан биргаликда олиб боради.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ва унинг мансабдор шахслари ўз фаолиятлари учун белгиланган қонуний тартибда жавоб берадилар.

3. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасининг ягона таркибини ташкил қилади.

4. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI нинг ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилган қарорларини шаҳардаги бўйсунувчи бирлашма, чет элнинг юридик ва жисмоний шахслари уларнинг қимга бўйсунушидан қатъий назар, давлат, кооператив ва жамоат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар бажаришга мажбурдирлар.

Зарур ҳолларда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг қарорлари шаҳар Ҳокимияти ва унинг бошқармалари билан биргаликда ёки улар билан қелишилган ҳолда қабул қилинади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ регионал ва республикалараро муаммоларни ҳал этишда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қумитаси ўз ваколатлари доирасида бошқа вилоят табиатни муҳофаза қилиш идоралари, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қумитаси билан ҳамкорлик қилади.

6. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI шаҳардаги идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурсларидан фойдаланиш борасидаги фаолиятларида улар бажаришлари лозим бўлган ишларни ўз зиммасига олмайди. Улар табиий

корхона, муассасалар раҳбарларини табиатни муҳофаза қилишдаги фаслиятларини куриб чиқади ва керакли қарорлар қабул қилади. Хайъат мажлиси қамида ойда бир марта утказилади. Хайъат қабул қилган қарорларни қумита буйича қарорлар ва буйруқлар орқали ҳаётга татбиқ қилинади.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ҳузурида, фаолияти қумита хайъати томонидан тасдиқлаган мувофиқлаштириш Кенгашлар, илмий техника кенгаши, экологик экспертиза кенгаши, экологик билимларни тарғиб қилиш ва шу қаби бошқа жамоатчилик кенгашлар тўзилади.

Қумита раисининг уринбосарларидан бири Кенгаш раиси ҳамдир. Кенгашлар тартиби ва улар ҳақидаги низомлар қумита раиси томонидан тасдиқланади.

5. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI қошида табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза этишга доир муҳим муаммоларни чуқур урганиш, уларни ҳал этиш юзасидан режа ва қарор ишлаб чиқариш учун олимлар, жамоат арбоблардан иборат, жамоатчилик табиатни муҳофаза қилиш кенгаши тўзилади.

Мазкур кенгашнинг шахсий таркиби ва у ҳақидаги Низомни Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг раиси тасдиқлайди.

6. Қумита марказий аппарати ходимларининг миқдори ва унинг фаолияти учун зарур харажатлар сметаси Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қумитаси томонидан тасдиқланади.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI нинг Раиси раҳбар ходимлар ва мутахассислар миқдорининг кузда тутилган меъёр, ва айрим ҳолларда нисбатини ҳисобга олмай туриб, аппарат ходимларига мансаб белгилаш (белгиланган мутахассислар сони ва ажратилган фондлар чегарасида) ҳуқуқига эга. Инспектор, катта инспектор номларини давлат нозирларига шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қумитаси раиси аттестация комиссиясининг қарори билан беради.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASIning раиси билан кумита аъзолари уртасида ихтилоф пайдо булган чоғда, Раис уз карорини амалга оширади, кумита аъзолари уз навбатида, уз фикрини Узбекистон Республикаси табиатни мухофаза килиш Давлат кумитаси ва Тошкент шаҳар Хокимлигига маълум килиш хукукига эгадирлар.

3. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI Раиси кумитага юкпатилган вазифаларнинг бажарилиш учун, шунингдек, кумитанинг булимлари, муассасалари ва ташкилотлари иши учун шахсан жавоб беради. Кумита раиси уринбосарлари ва кумита тармок булинмаларининг жавобгарлик даражасини белгилайди.

4. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI раисининг уринбосарлари айна бир вақтда узлари бошчилик килаётган йуналишлар буйича Тошкент шаҳар табиатни мухофаза килишнинг Бош давлат инспектори хисобланадилар.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI, кумитанинг раиси (хайъат раиси), раис уринбосарлари, шунингдек Тошкент шаҳар табиатни мухофаза килиш кумитасининг булим рахбарлари ва корхона, муассаса ва ташкилотларининг рахбарларидан иборат таркибда хайъат (коллегия) тузилади.

Лавозимига кура, бу таркибга кирган шахслардан булак хайъат аъзоларини кумита раисининг тақдимига биноан хайъат мажлиси тасдиқлайди.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI давомий утказилган хайъатларида кумита фаолиятларининг асосий масалаларини, табиатни мухофаза килиш ва табиий мухитдан фойдаланиш услубларини такомиллаштириш ва уюштириш, табиатни мухофаза килиш конунларига риоя килишда кабул килинган йуналишлар буйича давлат ва ширкат корхоналари, бошка мутасадди ташкилотлар, идоралар ва фукараларнинг фаолиятларини давлат назоратини, бошка норматив хужжатларни, стандартларни табиатни мухофаза килишда норма ва коидаларни, кумитага буйсунувчи корхоналарнинг устидан рахбарликни кабул килинган карорларнинг назоратини, мутахасисларни танлаш ва уларни жой - жойига куйишни, укитишни,

ресурслардан фойдаланишни, табиий ресурсларни ва атроф - мухитни муҳофаза этиш ҳамда улар ҳолатини кузатиб боришни бошқариб туради, уларни қайта тиклаш борасидаги вазифаларни бажаришга қаратилган ўз фаолиятларини шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кумитаси билан мувофиқлаштириб боришлари шарт.

7. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI шаҳар ҳокимлигининг тегишли бошқармалари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг атроф - мухитни муҳофаза этишда ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш: шу жумладан, ер, ер ости ва усти сувлари, ҳаво, биологик ресурсларни устидан олиб борадиган назорат ишларини мувофиқлаштиради.

8. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI жамоат ташкилотлари ва аҳоли билан ҳамкорликда иш юритади, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларида уларга методик ва амалий ёрдам курсатади ва кумаклашади, табиатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоатчи инспекторлар ва постлар ташкил этади ҳамда уларнинг ишига раҳбарлик қилади.

9. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ўз ҳуқуқ доирасида ва белгиланган тартибда табиатни муҳофаза этиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, идоралар ва бошқа юридик шахслар билан ҳамкорликда қилади.

10. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI қарорлари шаҳарда чиқадиган оммавий ахборот нашрларида чоп қилинади, зарур ҳолларда эса оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига етказилади.

2. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QO'MITASINING асосий вазифалари ва бурчлари

1. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ning асосий вазифалари қуйидагилардан иборат;

- шаҳар табиий ресурсларини, ер, ер ости ва ер усти сувлар, атмосфера хавоси, усимлик ва хайвонот дунёсини сақлаб қолишни таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш;
- атроф – муҳитни экологик ҳолатининг ҳамма жойда қулай бўлишини таъминлаш, шаҳарда экологик вазиятни соғломлаштириш;
- табиатни ҳар тарафлама муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни қайта тиклаш ;
- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида ягона илмий техник сиёсатни амалга ошириш ;
- шаҳарнинг кукаламзор катламини, сув муҳофазасини, ер усти катламларини муҳофазасини ва бошқа табиий хусусиятларини сақлаш;

2. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI уз зиммасига юклатилган вазифаларга мувосфиқ:

- 1) Табиатни муҳофаза этиш ва табиатдан фойдаланишнинг асосан иктисодий усулларидан кенг фойдаланиш. халқ хужалигининг барча тармоқларида ресурсларни тежайдиган, камчикит ва чикитсиз технологияларни ҳар тарафлама қулланишни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳамда фан ва техника тараққийнинг табиатни муҳофаза этиш, табиатдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа ютуқларини хужалик оборотиға жалб этиш асосида шаҳарда табиатни муҳофаза этиш фаолиятиға комплекс бошқарувни амалга оширади;
- 2) Табиатни муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш, табиий муҳит объектларининг ифлосланишини назорат қилиш юзасидан шаҳар экологик нормативларини, қоида ва стандартларни маъқуллайди, уларни экологик фондларини шакллантиради; табиатни муҳофаза этиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида экологик нормаллаштириш ва стандартлаштиришнинг улқамизда юзага келган тажрибасини урганади ва умумлаштириб боради, табиатни муҳофаза этиш бобидаги фаолиятни методология жиҳатдан таъминлаш юзасидан иш олиб боради, табиий муҳит

фойдаланиш, купрск илмий-тадкикот, лойиха конструкторлик ташкилотларини, олий укув юртларини, илмий техникавий ижодиет ва ахборот марказларини, бошка идора ва ташкилотларни, шунингдек, айрим олимлар билан мутахассисларни жалб этиш.

11.Ташкилот ва идораларнинг, корхона ва муассасаларининг рахбарларидан, бошка юридик шахслардан, узларига карашли объектларида атроф табиий мухитни ифлослантирувчи моддалар чикариб ташланишини (окизилишини) узлуксиз назорат килиб борувчи воситалар билан таъминланган пунктлар (постлар) ташкил этиш, бундай пунктлар (постлар) Тошкент шахар табиатни мухофаза килиш кумитасига мунтазим ахбоот бериб туришларини талаб килиш.

12.Белгиланган тартибда, шахар табиатни мухофаза килиш фондларини ташкил этиш ва улардан, шу фонд тугрисидаги Низомга караб конуний фойдаланиш..

13.Табиатни мухофаза этишга доир журналлар, ружнома, нашрлар, ахборстномалар чоп этиш.

4. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QO'MITASI ning tuziliши va rahbariyati.

1. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI, Kumita-raisi, Kumita raisiniг уринбосарлари ва кумита аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

2. TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI раиси Узбекистон Республикаси табиатни мухофаза килиш Давлат кумитаси буйруги асосида тайинланади ва шахар Халк депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдикланади.

Кумитанинг заруратига караб, аммо йилига камида икки марта утказиладиган мажлисларида шахарда табиат бойликларини мухофаза килиш хамда улардан окилона фойдаланишнинг мухим масалалари мухокама этиб боради.

Юридик ва жисмоний шахслардан табиатни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга тааллуқли зарур ахборот ва тушунтиришларни талаб қилиш, ҳамда уларни белгиланган шаклда бепул олиш.

6. Ёввойи хайвонлар ва усимликларни гайриқонуний йул билан овлаш ёки нобуд этиш туфайли етказилган зарар учун ундириб олинадиган маблағ миқдорини ҳисоблаб чиқиш белгиланган тартибдаги шахар миқёсидаги катъий бахони тасдиқлаш тугрисида Тошкент шахар Ҳокимлигига тақлиф киритиш.

7. Ташкилотлар, идоралар, корхона ва муассасалардан атроф-муҳит ҳолати тугрисида, табиатни мухофаза этиш тадбирларининг бажарилиши хусусида керакли маълумот ҳамда статистика ҳисоботи, шунингдек авария ва фавқулодда ҳолатлар юзасидан шошилинч ахборотлар олиш.

8. Саноят, маиший ва бошқа чиқиндиларни, кумиб ташлаш (туқиш) учун, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқариб ташлаш, (оқизиш) учун, сувдан махсус фойдаланиш, сув чиқариш мақсадида кудук қазииш учун, сув объектлари ҳамда соҳил бўйи минтақасида иш олиб бориш учун, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва илмий-тадқиқот ишлари учун хайвонот ва усимлик дунесидан ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланиш учун, ер ости бойлиқларини геология қидирув ишлари утқазииш мақсадида фойдаланишга топшириб қуйиш учун берилган руҳсатномани бекор қилиш.

9. Табиий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва уни соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун илмий-техник, эксперт ва бошқа идоралараро кенгашлар, гуруҳлар ва комиссиялар ташкил этиш, табиатни мухофаза қилиш давлат кумитаси ваколати доирасига қирадиган масалалар юзасидан кенгашлар чиқариш, Тошкент шахар табиатни мухофаза қилиш кумитаси ҳузурида табиатни мухофаза этиш вазифаларини ҳал қилиш учун, ҳужалик ҳисобидаги илмий ишлаб чиқариш марказлари ва бошқа бошқармалар тузиш.

10. Табиатни мухофаза этишнинг узок, муддатли дастурларини, худудий комплекс схемаларини ишлаб чиқишга, экологик экспертиза утқазиишга ва табиий ресурсларни мухофаза этиш ҳамда улардан оқилона

объектларнинг ифлосланишини назорат қилиш бўйича методологик раҳбарликни амалга оширади.

- 3) Шахар иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш концепцияси ва асосий йўналишлари лойиҳасига, табиатни муҳофаза этиш табиатдан оқилона фойдаланиш юзасидан тармоқ давлат дастурига, шаҳарни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш давлат режаларига кириш учун инвестицион жараёнларга фаол таъсир курсатишни таъминлайдиган, табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан боғлиқ булган таклифларни ишлаб чиқади ва улар асосида Тошкент шаҳар Хокимият бўлимлари ва бошқармаларига таклиф киритади.
- 4) Корхона ва муассаса идоралари, шаҳар жамоат корхоналари ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг ва истикбол режаларини мувофиқлаштиради;
- 5) Атроф муҳитга ифлослантирувчи Саноат, маиший ва бошқа моддаларни чиқариб ташлаш (оқишиш), туплаган (қумган) нормативларини ва тулов миқдорини белгилайди, ҳамда табиатдан фойдаланувчилар эътиборига етказди, табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ҳақ ундиради ва ундан белгиланган тартибда фойдаланади;
- 6) Атроф-муҳитни ифлосланишининг миқдорий ҳажмини назорат қилади, Ўзбекистон гидрометеорология бошқармаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхона ва ташкилотлар билан биргаликда атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг (жисмоний зарардан ташқари) миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобини, шаҳар иқтисод ва статистика бошқармаси билан эса ифлосланиш манбаларининг давлат ҳисобини олиб боради;

Шароитга қараб, шаҳарнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда атроф-муҳит сифатини нормалаштириш ишларни ташкил қилади.

- 7) Шахардаги халк хужалиги тармокларида табиатни мухофаза этиш, табиий ресурслардан ҳамда ишлаб чикариш чикиндиларидан окилона ва комплекс фойдаланиш сохасида табиатни мухофаза килиш хусусидаги конунларни ва табиатдан фойдаланишнинг иктисодий механизмини такомиллаштириш юзасидан, атроф-мухитни мухофаза этиш талабларини ҳисобга олган ҳолда хужалик фаолиятини иктисодий рағбатлантиришнинг янги усулларини куллаш, масалалари буйича таклифлар ишлаб чикади ҳамда шаҳар ҳокимиятининг булим ва бошкармалариги киритади.
- 8) Табиатни мухофаза этиш мақсадида фойдаланиладиган ускуналар, асбоблар, автоматика воситалари ва автоматлаштириш системалари, стандарт намуналар, моддалар, кимевий реактивларга булган талаб-эҳтиёжларни аниқлашда ҳамда уларни ишлаб чикариш учун давлат буюртмаларини шакллантиришда катнашади.
- 9) Шаҳар ишлаб чикарувчи кучлари билан халк хужалик тармоқларини ривожлантириш ва уларни жойлаштиришнинг бош схемаларини табиатни мухофаза этишнинг ҳудудий комплекс схемаларини, сув ер ва бошка табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш ва уларни мухофаза этиш схемаларини, жойлардаги планлаштириш схемаларини, саноат узеллари схемаларини, шаҳарнинг бош планини, атроф-мухит ва табиий ресурслар ҳолатига таъсир этувчи корхоналар ва бошка объектлар куриш (таъмирлашнинг)нинг лойиҳа хужжатини, шунингдек техника, технология, материаллар ва моддаларнинг, ишлаб турган ишлаб чикариш объектларининг давлат микесида мустақил экологик экспертизасини утказади, табиатга хужалик фаолияти таъсирининг экологик жихатдан канчалик асосли эканлигига ва шу таъсирнинг ҳуқуқий оқибатларига баҳо беради.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASIning ekologik ekspertizasining хулосалари узил-кесил ҳисобланади, такрорий экспертизани фақат Узбекистон Республикаси табиатни мухофаза килиш давлат кумитаси тайинлай олади.

3. Хукуклари.

TOSHKENT SHAHAR TABIATNI MUHOFAZA QILISH QOMITASI ga:

1.Кумита хайъати мажлисларида табиатни мухофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ва табиатни мухофазалаш чора тадбирларининг бажарилиши юзасидан ташкилотлар, идоралари, давлат ва ширкат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш.

2.Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашига табиатни мухофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан шаҳардаги туман Хоқимликларининг ҳисоботини тинглаш тугрисида таклифлар киритиш.

3.Атроф табиий муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан фойдаланмаслик оқибатида табиатга етказилган зарарни ундириб олиш тугрисида идоравий буйсуниши ва мулкчилигини шаклдан қатъий назар корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотларга, фуқароларга, шунингдек чет эл юридик шахс ва фуқароларига жарима солиш, ундирилган маблағни Тошкент шаҳар табиатни мухофаза қилиш жамғармасига ҳамда махсус ҳисоб рақамига утказиш.

4.Табиатни мухофаза қилиш қонунларига ҳилоф равишда саноат объектлари ва бошқа хил объектларни лойиҳалаш ва қуришни, таъмирлаш ёки кенгайтиришни, табиий ресурслардан фойдаланиш ишлари ва бошқа юмушларни амалда таъқиқлаб қуйиш, шунингдек атроф-муҳитни мухофаза этиш нормалари ва қоидаларини бузаётган саноат корхоналари, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ишини тухтаиб қуйиш ҳамда фойдаланилганда табиий объектларининг ифлосланишига ёки завоқ топшига олиб келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъқиқлаб қуйиш.

5.Табиатни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни уз вақолатлари доирасида қараб чиқади ва айбдор шахсларга жарима солади ҳамда бошқа маъмурий қоралар қуради, зарурат булганда қараб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларга ошириш.

р) Шахар худудида жойлашган, халкаро республикалараро ахамиятга молик табиий объектлардан фойдаланиши ва мухофаза этилиши устидан, табиатни кирилиб кетиш хавфи остидаги нодир ва ноёб жониворлар ва усимликларининг Ўзбекистон Республикасининг Кизил китобига киритилган, шунингдек савдо килиш еки мухофаза этиш халкаро шартномалари билан бошқариб туриладиган мухофаза этиш тугрисидаги нормалар, коидалар ва конунларга риоя этилиши устидан, Республика ахамиятига молик биосфера куриқхоналарида ва бошка куриқхоналарнинг, куриқхона режимида этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

21) Куйидагиларга, чунончи:

а) банк муассасаларига саноат объектлари ва бошка хил объектларни лойихалаш, куриш, реконструкция килиш еки кенгайтириш ишлари табиатни мухофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тугрисидаги конунларга хилоф тарзда амалга ошираётган тақдирда пул билан таъминлишни тухтатиб куйиш хусусида;

б) Тошкент шахар Хокимиятига уз тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар табиатни мухофаза килиш конунлари, экологияга таалукли коидаларни, табиатдан фойдаланиш стандартларини ва нормаларини купол тарзда ва муттасил бузиб келаётганлиги учун ташкилотлар, давлат кумиталари ва идораларнинг рахбарларини белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тугрисида;

22) Шахар табиатни мухофаза килиш кумитасининг мансабдор шахслари шахар худудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, бошка объектларга монеликсиз киришга хакликдирлар. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар табиатни мухофаза килиш кумитаси тизимидаги мансабдор шахслар узларининг хизмат вазифаларини бажаритганларида уларни хоналар, телефон алоқаси, транспорт билан ва объектни куздан кечириш (текшириш) вақтида, заруратга караб махсус кийим билан таъминлашлари шарт.

- 10) Шахар Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Шахар ва вилоят Мелиорация ва сув ҳужалиғи бошқармалари, шахар иқтисод ва статистика бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон гидрометеорология маркази, "Ўзбекгидрогеология" Бош мувофиқлаштириш – геология бошқармасининг шахар бўлинмаларида ва Тошкентдаги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда атроф-муҳитнинг ифлосланганлик ҳолати ва бу муҳитга бошқа йусиндаги зарарли таъсирларга доир, табиий ресурслардан фойдаланишга доир маълумотларнинг экологияга сид яғона шахар ахборот банкини шакллантиради ҳамда бошқариб боради, шу масалада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитасини ва шахар ҳокимиятини манфаатдор идораларни хабардор этиб боради; шахардаги атроф-муҳит ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза этиш фаолияти тугрисидаги ҳар йилги маърузаларни эълон қилиб туради; шахар, минтақа ва умумреспублика экология ахборот тармоғи микесида экологик маълумотларни уртоклашади.
- 11) Табиатни муҳофаза этиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера билан унинг экологик системасини сақлаб қолишга қаратилган яғона техника сиёсатнинг асосий йуналишларини ишлаб чиқади ва бу сиёсат шахарда руёбга чиқарилишини ташкил этади.
- 12) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши, бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ва белгиланган тартибда шахарда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва табиий объектларнинг илмий асосланган тармоғини вужудга келтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.
- 13) Табиий муҳит ҳолатига инсон фаолияти қурсатадиган таъсирни таҳлил этади, табиий

ресурсларнинг ҳамма турларини хужалик оборотига жалб этиш куламлирини тартибга солиди ва шаҳардаги илмий тадқиқот муассасалари ва шаҳар режалаштириш комиссияси бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда узок муддатли экологик башоратлар ҳамда табиатни муҳофаза этиш дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларни сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш схемаларини тузиб чиқади.

- 14) Атроф табиий муҳит мониторингининг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқади, корхона муассаса ва бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда атроф муҳит ифлосланишининг ахволи ва унга бошқача зарарли таъсирлар маълумотини ягона экологик ахборот банкини ташкил этади ва юритади.
- 15) Аҳолини табиатни, табиий ресурсларни авайлаш руҳида тарбиялаш ишларни ташкил этади, фуқароларнинг экология соҳасидаги билимларини яхшилашга кумаклашади ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда табиат тугрисидаги, унинг бойликларидан фойдаланиш ҳақидаги билимларнинг тарғиб этилишни ва оммалаштирилишини уюштиради, шу соҳада конкурслар, кургазмалар, конференциялар ва бошқа тадбирлар утказади;
- 16) Шаҳарда табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни амалга оширувчи олий ва урта укув юртларининг, илмий тадқиқот лойиҳа конструкторлик ва технология ташкилотларининг тармогини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;
- 17) Кумита тармоқларида ишловчи ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этади, давлат ва жамоат корхоналарида, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари билан шугулланувчи мутахассислар тайерлаш, улар малакасини ошириш соҳасидаги ишига методик жиҳатидан раҳбарлик қилади;

ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш устидан;

и) сув ресурслардан фойдаланишнинг хавзалар буйича режаларини, ҳамда сув омборларининг юқори ва қуйи гидроэлектростанциялар халқ хужалиги бошқа тармоқларининг комплекс фойдаланиши қоидаларини тайёрлаш устидан;

к) мелiorация қурилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида, шунингдек объектларни узгартириш ва ландшафтларни шакллантириш билан боғлиқ бошқа йусиндаги хужалиқ фаолияти давомида ер ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш устидан;

л) ердан фойдаланувчилар ер участкаларидан қузланган мақсадларга мувофиқ тарзда фойдаланиши устидан, муассасалари ва ташкилотларининг тупрокни қарши ташкилий-хужалиқ, агротехника мелiorатив ва гидротехника тадбирлари комплексини вақтида жорий этиш, тупрок нураши манбалари таъсирини тухтатиш, ихота дарахтзорлари ҳамда нурашга қарши гидротехника иншоотларини асраш тадбирларини ошириш устидан;

м) табиий ресурсларнинг ҳар қандай турлари саноат запаслари олиб булингандан сунг бушаб қолаётган ерларни кишлок хужалиги, усимлик дунеси эки балик хужалигида фойдаланишга ярқли ҳолатга эки ерларни ажратиб бериш шартларига мувофиқ регионнинг экологик мувозанати сақланишини таъминлайдиган бошқа ҳолатга келтириш устидан, зарур ҳолларда айтиб утилган ерларни жамоа ва давлат хужалиқларига ехуд давлат фондига бериш тугрисидаги таклифларни тегишли идора муҳокамасига киритади;

н) ер остидан олинадиган нокерак жинслар ва ишлаб чикариш чикиндиларини уларнинг атроф-мухитга зарарли таъсирини йук қиладиган даражада жойлаштириш устидан;

о) саноат ишлаб чикаришининг экологик жихатдан хавфсизлигини ва табиий ресурсларни тежамқорлик билан ишлатишни таъминлайдиган фан-техника таракқиети ютуқларини амалиетига жорий этиш устидан;

п) табиатни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан давлат истикбол статистика хисоботини юритиш ҳамда унинг тугрилиги устида;

давлат кумитасининг қарор ва буйруқлари, йулланишларидаги амалиётларига табиий ресурслардан фойдаланганлик ва теварак табиий мухитни ифлослантирганлик учун белгиланган туловларни ундиришга ва уларни табиатни куриқлаш мақсадларига сарфланишига:

- мухит ва кучма ифлослантириш манбаларидан атроф-мухитга ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш ва окизишнинг йул куйиш мумкин булган, махсус рухсатномалар билан белгилаб куйиладиган лимит ва нормативларга қадар қамайтириш режаларини бажариш муддатларига;

- янги техника, материаллар, моддалар ҳамда атроф-мухит ҳолатига ва табиий ресурслар ҳолатига таъсир этадиган корхоналар ва бошқа объектларни куриш (таъмирлаш) учун лойиҳалар ишлаб чиқиш чоғида экологик стандартлар ва нормативларга риоя этилишига;

- янги ва қайта таъмирланган корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш ва фойдаланишга топшириш чоғида атроф-мухит ҳолатига ва табиий ресурслардан фойдаланишга таъсир этувчи мавжуд технологик жараёнлари ва усқуналари, материаллар ва моддаларни;

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш, портлатиш ишларни утқазиш, қазилма чиқиндиҳоналарни, қонлардан чиққан яроксиз уюмларни, ахлатҳона ва ахлаттепаларни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф-мухитни ифлосланишдан, булганишдан ва тамом булиб қолишдан муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш талабларига;

- усимликларни химоя этиш воситаларини, уларни устирувчи омилларни, минерал угитларни, халқ хужалигида ишлатишга рухсат этилган бошқа қимевий моддалар ва дориларни ташиш, саклаш чоғида атроф-мухитни муҳофаза этиш талабларига;

- қенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг, қон саноати ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланишнинг белгиланган

нормалари билан коидаларига, шунингдек фойдали казилма конларини тайерлаб ишга туширишнинг, уларни келгусида халк хужалигида фойдаланиш учун беришнинг муддатлари вазифасига;

- табиий ресурслардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари йулида фойдаланишнинг, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни асраш ва такроран ишлаб чиқаришнинг белгиланган тартибига;

- сувни муҳофазалаш иншоотларидан фойдаланиш, сув хужалиги тармоқлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларидан самарали фойдаланиш коидаларига;

- саноат ва бошқа объектларнинг, сув истеъмоли нормалари ва коидаларига, сувдан фойдаланишнинг белгиланган режимга риоя этишлари устидан;

в) давлат ва жамоа корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, улар кимга буйсунишдан катъий назар, кушма корхоналарининг, чет эл юридик шахсларнинг ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек фуқароларнинг;

- атроф-муҳитни муҳофаза этиш табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни асраш ва такроран ишлаб чиқариш режалари ва топширишларини;

- атроф табиий муҳит объектларига чиқариб ташланаётган оқавалар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиндиларини тозалаш учун иншоотлар, усқуналар ва аппаратлар қуриш ҳамда уларни фойдаланишга топшириш, ифлослантирувчи манбаларни, оқава ва чиқиндиларни назорат қилиб ва бошқариб борадиган приборлар билан жиҳозлаш режа, топшириқларини;

- сув объектларининг соҳил бўйи минтақаси (зонаси)да сувни муҳофазалаш тадбирлашни, шунингдек сувнинг зарарли таъсирларига (сув тошқини, сув босиши, сув уриб кетиши, киргюкларнинг емирилиб кетиши ва бошқа зарарли ҳолатларга) қарши қураш тадбирларини;

- тупрокни шур ва зах босишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий дорилар ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланишдан, қурилиш,

фойдали казилмаларни казиб олиш кидирув ишларни утказиш чогида ерларни бошка йусинда ишдан чикаришдан мухофаза этишга доир комплекс тадбирларни;

- атроф-мухитга транспорт ва бошка харакат воситалари хамда курилмалардан ифлослантирувчи моддалар скизиб ва чикариб ташланишнинг олдини олиш ва камайтириш тадбирларини;

- овланадиган кимматбахо жониворлар ва сувда яшовчи бошка хил жониворларни купайтириш ва зотини тиклаш, улар яшайдиган мухит ифлосланишининг олдини олиш, сув портлатиш йули билан узанини чукурлаштириш ишларини амалга ошириш, фойдали казилмалар казиб олиш, кувур, кабель утказиш оркали биофаунага бошка йусинда нокабул таъсир этиш ва хоказолар таъсирларининг олдини олиш тадбирларини бажаришлари устидан;

г) давлат ер, сув кадастрларини, ер ости бойликлари, хайвонот ва усимлик дунеси кадастрларини юритиш устидан, бюджет маблагларининг аник мақсадларда хамда ер тузишда ишлатилаётгани устидан;

д) давлат ва жамоа корхоналарида, муассаса ва ташкилотларида табиий ресурслардан фойдаланишнинг, ифлослантирувчи моддалар оқава ва ташламаларнинг хамда табиий мухитга бошка йусиндаги зарарли таъсирларнинг (жисмоний таъсирлар бундан мустасно), саноат, маиший ва бошка хил чикиндиларнинг, уларни туплаб куйиш ва кумиш хажмларининг бирламчи хисобини юритиш устидан;

е) сув объектларидан оқилона фойдаланиш, ер усти ва ер ости сувларини ифлосланишидан, булгаланишдан ва куриб қолишдан мухофаза этиш устидан, шунингдек сув объектларидан мулжалланган мақсадларга мувофиқ равишда фойдаланишни йулга солиш, ер ости сувларидан режали фойдаланиши устидан;

ж) тозалаш иншоотлари ва курилмаларининг холати хамда улар ишининг самадорлиги устидан, оқава сувларнинг чикариб ташлаш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан;

з) сув хужалиги баланслари ва истикболли схемалар асосида айрим хавзалар, шахар худуди буйича сув

18) Атроф-мухитни ифлослантурувчи моддаларни чиқариб ташлаш ва оқизиш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, атмосфера хавосидан фойдаланишга, йул-йулакай казиб олинадиган хом-ашени, саноат, маиший ва бошқа хил чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва оқизишга, сувдан махсус фойдаланишга, сув чиқариш учун кудук казишга рухсатнома беради.

Геология ишлари олиб бориш учун ер ости бойликларини ажратишга, хайвонот дунесидан ва усимлик дунесидан фойдаланишга, шунингдек еввойи гиёхлар, хужалик ахамиятига молик усимликлар ва бошқа табиий ҳосилалар йиғиш, уларни шахар худудидан четга олиб чиқариш ва унга олиб киришга рухсатнома беради.

19) Шахар микесидида хайвонот ва усимлик дунесини муҳофаза қилиш ва тартибга солиш улардан фойдаланиш юзасидан қоидалар, курсатма ва бошқа норматив хужжатларни ишлаб чиқади ва жорий қилади. Мазкур хужжатларнинг ижроси Мулкчилик шаклланишидан катъий назар барча идоралар, корхона муассаса ва ташкилотлар, чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахслари, шунингдек фуқаролар учун мажбурийдир.

20) Қуйидагилар устидан давлат назоратини олиб боради:

а) экологик система, табиий ирсият фонди, биологик мувозанат ҳолати, шунингдек атмосфера хавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупроқли ифлослантурувчи манбаларнинг ҳолати устидан, усимликларнинг ва сувдаги биологик объектларнинг, еввойи жониворларнинг яшаш мухитининг ҳолати устидан;

б) идоровий буйсуниши ва мулкчилигини шаклланишидан катъий назар барча идора ва давлат, кооператив, ташкилот ва муассасаларнинг, чет эл юридик шахслари ва жисмоний шахсларнинг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг:

- атроф-мухитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг экологик нормативлари, қоидалари, стандартлари ва қонунларига шахар ҳокими ва халқ депутатлари Тошкент шахар кенгашининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш